

**ЎЗБЕК ТИЛИ****7-синф****4-вариант****1. Ундов сўзлар бу -**

- А) Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирган сўзлар.  
 Б) Шахснинг борлиқдаги нарса-ҳодисаларга турлича ҳиссий муносабатларини ифодаловчи, шунингдек, ҳайвон, паррандаларни келиш - кетиш, тўхтатиш кабиларга ундашни билдирувчи сўзлар туркуми.  
 В) Товуш ёки ҳолатга тақлидни билдирувчи сўзлар гуруҳи.  
 Г) Сўзловчининг ўзи айтаётган фикрга бўлган муносабатини ифодаловчи сўзлар.  
 Д) Жуфт ва такрорий ишлатиладиган сўзлар туркуми.

**2. Раҳмат, марҳамат, салом, хайр, баракалла, офарин, балли, яшанг, ҳорманг, қуллуқ каби ундовларнинг маъносини аниқланг.**

- А) Ҳис-ҳаяжон ундовлари. Б) Буйруқ-хитоб ундовлари.  
 В) Якка қўлланувчи ундовлар. Г) Нуткий одат ундовлари.  
 Д) Кишиларнинг диққатини тортувчи сўзлар.

**3. Бола онасининг кучоғида пиш- пиш ухлар эди. Берилган гапдаги ундов сўзнинг синтактик вазифасини аниқланг.**

- А) Эга вазифасида. Б) Кесим. В) Аниқловчи. Г) Тўлдирувчи. Д) Ҳол.

**4. Ҳис-ҳаяжон ундови қатнашган гапни белгиланг.**

- А) О, Иссиқ-кўл! Мангу қайноқ кўл. Б) Офарин, ёш спортчилар, яшанглар!  
 В) Ишқибоз аҳён-аҳёнда кўкка боқиб беҳ-беҳларди. Г) Хайр, эй, саҳролар, хайр, эй, тоғлар.  
 Д) Хонадаги қаҳқаҳанинг овози ташқарида ҳам эшитилиб турарди.

**5. Қайси қатордаги гапда тақлид сўз иштирок этган?**

- А) Эҳ, тоғ халқининг тўйини кўрмабсиз! Б) Бир томонда чарс-чурс қилиб гулхан ёнарди.  
 В) Япроқлар аста тўкила бошлади. Г) О, қандайин бахтли инсонман.  
 Д) Сепкилли хола тўнкарилган пакир устида ўтириб, нукул ҳасрат қиларди.

**6. Ҳолатга тақлидни билдирган сўзлар гуруҳини кўрсатинг.**

- А) Тақир-тақур, жилпанг-жилпанг, оҳ. Б) Ҳанг-манг, лов-лов, апил-тапил.  
 В) Чуғур-чуғури, милт-милт, чап-чап. Г) Лов-лов, беҳ-беҳ, шалдир-шулдир.  
 Д) Шилдир-шилдир, мўлт-мўлт, чақир-чуқур.

**7. Ачиниш, таассуфни билдирган модал сўзларни белгиланг.**

- А) Дуруст, бўпти. Б) Хуллас, мадомики.  
 В) Ҳойнаҳой, балки. Г) Афсус, аттанг. Д) Дарҳақиқат, ҳақиқатан.

**8. Афтидан, чамаси, шекилли каби модал сўзлар қандай маъно англатади?**

- А) Фикрнинг аниқлигини билдиради. Б) Мавжудлик ва тасдиқни.  
 В) Гумон, ноаниқликни англатади. Г) Инкор ва мавжуд эмасликни. Д) Яқунлаш ва таъкидни.

**9. Қайси гапда модал сўз мавжуд?**

- А) Офарин, азаматлар ишни дўндирибсизлар. Б) Бу йил ҳамма фанларни аъло яқунлашим, шубҳасиз.  
 В) Оббо, яна иш пачава, денг. Г) Унинг кимлигини афтидан билса бўлади.  
 Д) Берилган гапларда модал сўз қўлланмаган.

**10. Тўғри модал сўзи мос келадиган гапни аниқланг.**

- А) ... Даврон унга жой банд қилиб ўтирибди  
 Б) ... водопровод қуриб улгурмасдан, бу посёлка ҳам кераксиз бўлиб қолар!  
 В) ... айтдингиз, сизга ўхшаган кадрлар ҳамма жойда керак.  
 Г) ... Анварга кўп меҳнатим синган.  
 Д) Ҳозир ҳаммасини айтиб берардим-у, .... уйлариингга келдик.

**Баллни баҳога айлантириш шкаласи**

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	«2»
4-5	«3»
6-7	«4»
8-10	«5»